

ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Нуралиев Рустам Тургунович Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази, бўлим мудири, и.ф.н., к.и.х.

Усманов Бехруз Шовкат ўғли Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш маркази, кичик илмий ходим.

Аннотация. Давлат активларини бошқаришни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш аҳамияти тобора ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, тадқиқот ўтказилди ва тасдиқланган дастурларнинг асосий кўрсаткичлари бажарилиши таҳлил қилинди. Шунингдек, давлат активларини самарали бошқариш мақсадида ўрта муддатли истикболда ушбу соҳада асосий йўналишлар таклиф этилди.

Калит сўзлар: Давлат активлари, давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш (ДИК), кузатув кенгаши, корпоратив бошқарув, кузатув кенгашларининг мустақил аъзолари, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ).

IMPROVING THE MECHANISM OF STATE ASSET MANAGEMENT

Nuraliyev Rustam Turgunovich, Head of Department at the Center for Research of Problems in Privatization and State Assets Management State Assets Management Agency of the Republic of Uzbekistan, Candidate of Economic Sciences, Senior Researcher.

Usmanov Behruz Shovkat ugli, Junior Researcher at the Center for Research of Problems in Privatization and State Assets Management State Assets Management Agency of the Republic of Uzbekistan.

Abstract. Considering the increasing importance of developing key directions for state asset management, a study was conducted and the implementation of main indicators from approved programs was analyzed. Furthermore, to ensure effective

management of state assets, primary directions in this field for the medium-term perspective were proposed.

Keywords: State assets, management of state-owned enterprises (SOEs), supervisory board, corporate governance, independent members of supervisory boards, Organization for Economic Cooperation and Development (OECD).

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сонли қарори билан тасдиқланган "2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегияси"га (бундан кейин - Стратегия) мувофиқ, давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилишнинг мақсадлари, вазифалари ҳамда устувор йўналишлари белгиланди. Бунда илғор хорижий тажриба, жумладан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (ИХТТ) давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув тамойиллари инобатга олинди.

Стратегиянинг устувор йўналишлари илғор хорижий тажриба ва амалиётга асосланиб, қуйидагиларни ўз ичига олди: хорижий экспертлар иштирокида қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш; давлат иштирокидаги корхоналарга (кейинги ўринларда - ДИК) эгалик қилиш асосларини белгилаш; иқтисодиётнинг ривожланган тармоқларида давлат иштирокини чеклаш; корпоратив бошқарув органлари аъзоларини танлов асосида сайлаш; уларнинг масъулиятини ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг бозор механизмларига ўтиш; кузатув кенгаши таркибига профессионал мустақил аъзоларни жалб этиш ҳамда унинг ҳузурида қўмиталар ташкил этиш.

Бироқ, объектив сабабларга кўра, Стратегияда белгиланган айрим кўрсаткичлар бўйича натижаларга фақат қисман эришилди. Хусусан, давлат хўжалик ширкатларининг сони 75 фоиз ўрнига 67 фоизга қисқартирилди, корхоналарда бошланғич оммавий таклиф ўтказиш атиги 20 фоизга бажарилди, кузатув кенгашлари таркибида мустақил аъзолар улуши 30 фоизга етказилмади.

Шу билан бирга, давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилишнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгиланди ва шунга мувофиқ давлат улуши бўлган корхоналарда корпоратив муносабатларни такомиллаштириш ва яхшилаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан:

Давлат иштирокидаги корхоналар сонининг кескин қисқартирилиши.

- Стратегияда 2025 йилга қадар давлат иштирокидаги корхоналар сонини 75 фоизга қисқартириш кўзда тутилган эди. Амалда бу кўрсаткич 67 фоизни ташкил этди. Қисқартириш жараёнида асосий эътибор тўлиқ ёки қисман давлат улушига эга бўлган самарасиз корхоналарни оптималлаштириш масаласига қаратилди.

- Режага кўра, 477 та истикболсиз, фаолият юритмайдиган, зарар кўриб ишлаётган ва паст даромадли корхоналар тугатилиши керак эди. Амалда эса режадан ташқари 487 та корхона тугатилди. Натижада давлат портфелида фақат нисбатан муваффақиятли корхоналар сақланиб қолди.

Корпоратив бошқарувнинг замонавий усуллари жорий этиш.

- Барча кузатув кенгашлари ҳузурида қўмиталар ташкил этиш режаси корхоналарнинг 91 фоизда амалга оширилди. Шу билан бирга, қўмиталарнинг жорий фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш тавсия этилди;

- Кузатув кенгашларидаги мустақил аъзолар улуши 30 фоизга етиши керак эди. Акциядорлик жамияти шаклидаги 253 та ДИКнинг атиги 34 фоизда кузатув кенгашларидаги мустақил аъзолар улуши 30 фоизга етказилган.

Бундан ташқари, қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилди:

- режа бўйича, 25 та корпоратив облигациялар эмиссияси ташкил этилиши лозим эди. Амалда 10 та эмиссия ўтказилди;

- корхоналарнинг 20 фоизда комплаенс тизимини жорий этиш мўлжалланган эди. Амалда 16 фоиз корхонада комплаенс хизмати ташкил этилди.

Умуман олганда, Стратегиянинг мақсадли кўрсаткичларига эришиш даражаси ўртача 80 фоиз деб баҳоланиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, давлат активларини бошқаришнинг амалдаги тизимини таҳлил қилиш ушбу йўналишдаги ишларнинг қуйидаги асосий камчиликларини аниқлаш имконини беради:

- жойлардаги давлат вакиллари ва кузатув кенгаши аъзолари Стратегия мақсадларини амалга оширишда етарли даражада масъулият ва фаоллик кўрсатмаяпти;

- давлатнинг корхоналар бошқарув органларидаги ўз ваколатларидан самарасиз ва ўз вақтида фойдаланмаслиги Стратегия мақсадларини амалга оширишга эътиборсизлик билан қараган ижро этувчи орган аъзоларига нисбатан ўз вақтида чоралар қўрилмаслик ҳолатига олиб келмоқда;

- айрим давлат вакилларининг касбий тайёргарлиги ва тажрибаси етарли эмаслиги корпоратив бошқарув органларининг амалий фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Натижада:

- Корхоналарнинг инвестицион жозибадорлиги пастлиги туфайли давлат улуши акцияларини сотиш суръатлари режалаштирилганидан паст даражада қолмоқда;

- корпоратив бошқарув органларининг ҳаракатсизлиги оқибатида фаол эмиссия сиёсати ва фаолияти олиб борилмаяпти;

- кузатув кенгашларида мустақил аъзолар улушини оширишга қаратилган корпоратив тадбирларни (кенгаш йиғилишлари, акциядорларнинг умумий йиғилишлари ва бошқалар) ўтказиш кечиктирилмоқда.

Шу муносабат билан давлат активларини бошқаришнинг янги стратегик йўналишларини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бизнинг фикримизча, мақсадга эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

Давлат активларига эгалик қилиш ва уларни бошқариш соҳасида:

- давлат активлари фақат Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган шакл ва ҳажмлардагина шакллантирилади ва сақланади;

- барча активлар вақти-вақти билан инвентаризация қилиниб, давлатнинг стратегик мақсадларини амалга ошириш учун уларни сақлаш зарурати баҳоланади. Аҳамиятини йўқотган айрим давлат активлари хусусийлаштирилиши лозим;

- агар давлат вазифаларини бажариш учун давлат активлари етарли бўлмаса, улар қўшимча равишда зарур шакл ва ҳажмларда шакллантирилади. Бунда давлат активларининг мақсадга мувофиқлиги аниқланади.

Давлат активларини ишончли бошқарувга топшириш соҳасида:

- давлат активлари фақат ваколатли орган белгилаган ягона бошқарув қоидалари ва усуллари асосида бошқарилиши шарт;

- қоида ва усуллардан ҳар қандай четга чиқишга йўл қўйилмайди, улардан истиснолар эса бошқарувнинг ягона қоидалари ва усулларини белгилаш ваколатига эга бўлган орган билан келишилган ҳолда амалга оширилиши лозим;

- миллий мудофаа ва хавфсизлик мақсадларида фойдаланиладиган активлар бундан мустасно бўлиб, уларнинг масъулияти фақат тегишли ташкилотлар зиммасига юкланади, қолган барча давлат активларини тўғри ва самарали бошқариш учун жавобгарлик давлат активларини бошқариш бўйича ягона ваколатли органга юклатилади;

- давлат мулкани бошқариш ваколатлари бошқа давлат бошқаруви органига ўтказилганда ҳам, давлат мулкани тегишли тарзда бошқариш бўйича жавобгарлик давлат активларини бошқариш бўйича ягона ваколатли органдан олиб ташланмайди. Шу сабабли, давлат активларини бошқаришга ваколатли бўлган барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари давлат активларини бошқариш бўйича ягона ваколатли органга ҳисобот бериши ва масъул бўлиши шарт.

Давлат мулкани бошқариш ва ҳисобга олиш соҳасида:

- давлат бюджетининг солиқдан ташқари манбаларини шакллантириш учун фойдали давлат активларини сақлаш йўналишларини давом эттириш, минимал мезонларга мос келмайдиган давлат активларини тугатиш;

- таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа давлат ижтимоий кафолатлари доирасидаги соҳалардаги ижтимоий инфратузилма объектларини сақлашни, шунингдек, мамлакат бўйича ўртача иш ҳақидан юқори бўлган янги иш ўринлари яратаётган корхоналарда давлат активларини шакллантириш ва сақлашни кўзда тутувчи ижтимоий мувофиқликни таъминлаш;

Хулоса

Давлат корхоналари сонини камайтириш ва бошқарув харажатларини оптималлаштириш, шунингдек, давлат улушларидан келадиган даромадларни кўпайтириш мақсадида, бизнингча, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим

бўлмаган корхоналарда давлатга тегишли акциялар миқдорини қисқартириш ҳамда давлат акция пакетларини бошқариш тизимини такомиллаштириш лозим.

Давлат улуши мавжуд бўлган жамиятларни самарали бошқариш учун давлат улушларини бошқаришни тармоқ уюшмаларига топшириш имкониятини кўриб чиқиш, шунингдек, давлат учун аҳамияти паст бўлган жамиятлардаги давлат улушини хусусийлаштиришни ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқ бўларди.

Давлат активларини тўғри ва самарали бошқариш ҳуқуқи ҳамда масъулияти давлат активларини бошқариш бўйича ягона ваколатли органга юклатилиши керак. Шунга мувофиқ, давлат активларини бошқаришга ваколатли бўлган барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари давлат активларини бошқариш бўйича ягона ваколатли органга жавобгар ва ҳисобдор бўлиши шарт.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги Ўзбекистон – 2030» стратегияси тўғрисида ПФ-158-сон Фармони. [Электрон манба] URL: <https://lex.uz/ru/docs/6600413>.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.03.2021 йилдаги “2021 – 2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 166-сон Қарори. [Электрон манба] URL: <https://lex.uz/uz/docs/5348948>.